

Ҳазрати Абу Бакр (8-қисм)

16:31 / 21.04.2017 4776

СОЛИҲ САЛАФЛАР ИБРАТИ

САҲОБАЛАР САЙЙИДИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху ҳаётларидан лавҳалар

Ҳақиқий иймон

8-қисм

Ҳазрат Абу Бакрнинг бир ёш қуллари бор эди. У ишлар, кунига ҳақ олар эди. Бир кеча у хожасини сийлаш учун овқат олиб келди. Ҳазрат Абу Бакр ундан бир луқма тотиб кўрдилар. Бирдан кўнгилга шубҳа тушди. Ҳар гал овқат келтирганида унинг қаердан, қай тарзда келганини сўрайдиган киши бу гал буни хотирдан фаромуш қилгандилар ёки чалғиган эдилар. Қулни сўроққа тутдилар:

— Овқат қандай йўл билан топилган эди?

— Мени авф этинг, хожам! Мен жоҳилият пайтида фолбинлик билан шуғуллангандим. Эвазига хизмат ҳақи олиб кун кечирганман. Ўша пайтдаги фолбинлигимга берилган ҳақ келиб қолди. Бу овқатни ўша пулга олгандим

Буни эшитган Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху:

— Сал бўлмаса, мени ҳалок қилай, дединг-ку! - дедилар ва ютган луқмаларини дарҳол қусиб ташлаш учун бармоқларини томоққа тикдилар. Аммо луқма бу йўл билан чиқмади. Шунда кимдир уни сув билан чиқарса бўлади, деб маслаҳат бериб қолди. Абу Бакр шу заҳоти бир коса сув сўрадилар. Уни ичгандан сўнг еганларини қайт қила бошладилар. Ниҳоят нопок луқмани чиқариб ташладилар.

Бу ҳолни кузатиб турган дўстлари:

— Аллоҳ раҳм қилсин сизга, эй Абу Бакр, шунча машаққат бир луқма таом учунми? - деб сўрашди.

— Агар ана шу луқма бошқа йўл билан эмас, жоним эвазига чиқадиган бўлганида ҳам барибир чиқариб ташлардим. Чунки Аллоҳнинг расули: «Бир вужуд ҳаромдан куч ва нашъа олса, унга энг лойиқ нарса дўзах оташидир», деганларини эшитган эдим. Шунинг учун ўша луқмадан танамдаги бир зарранинг ҳам куч олишидан қўрқаман, – деб жавоб бердилар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу.